

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДЖУМАНОВ КАМАЛИДДИН НУРИДДИНОВИЧ**

**ОРҚА МИЯ ЎСМАЛАРИНИ КЛИНИКА, ТАШХИСЛАШ ВА  
ЖАРРОХЛИК ДАВОСИ**

**14.00.28-Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Джуманов Камалиддин Нуриддинович**

Орқа мия ўсмаларини клиника, ташхислаш ва жаррохлик

давоси..... 5

**Джуманов Камалиддин Нуриддинович**

Клиника, диагностика и хирургическое лечение опухорлей спинного мозга

..... 31

**Djumanov Kamaliddin Nuriddinovich**

Clinical, diagnosis and surgical treatment of spinal cord

tumors..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 65

.

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН НЕЙРОХИРУРГИЯ  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДЖУМАНОВ КАМАЛИДДИН НУРИДДИНОВИЧ**

**ОРҚА МИЯ ЎСМАЛАРИНИ КЛИНИКА, ТАШХИСЛАШ ВА  
ЖАРРОХЛИК ДАВОСИ**

**14.00.28-Нейрохирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Tib441 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.neuro.uz](http://www.neuro.uz)) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Кариев Гайрат Маратович**  
тиббиёт фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Норов Абдурахмон Убайдуллоевич**  
тиббиёт фанлари доктори(DSc)

**Мирзабаев Марат Жумабекович**  
тиббиёт фанлари доктори  
(Қозоғистон Республикаси)

**Гафур-Ахунов Мирза-Али**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ахунбаев номли Қирғиз давлат тиббиёт академияси (Қирғизистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий маркази хузуридаги DSc.04/04.07.2023.Tib.170.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улўғбек тумани, Хумаюн кўчаси, 40 уй. Тел./факс: (+99871) 264-96-25, e-mail: info@tipme.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улўғбек тумани, Хумаюн кўчаси, 40 уй.Тел./факс:(+99871) 264-96-25)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.М. Кариев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Р.О.Исмаилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**Р.М.Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори (DSc)

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Орқа мия ўсмалари жарроҳлиги нейрохирургиянинг энг қийин муаммоларидан биридир. Кўпинча орқа мия ўсмалари 30-50 ёшдаги ижтимоий фаол гуруҳда кузатилади, бу эса ушбу муаммонинг катта долзарблигини белгилайди. Чет эллик муаллифларнинг кўплаб тадқиқотлари орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш жиҳатларига бағишланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра “...магнит-резонансли томография маълумотлари бўйича идентификацияланган куп учрайдиган патология орқа мия ўсмалари ҳисобланади”<sup>1</sup>. Бироқ, орқа мия ўсмаларини олиб ташлаш усулини танлаш билан дифференциал жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш муаммолари мунозарали бўлиб қолмоқда ва кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Беморлар учун комплекс даволашнинг жарроҳлик босқичининг самарадорлигини оширишга қаратилган асосий вазифа, бир томондан, орқа мия йўқолган функцияларини тиклаш, бошқа томондан, декомпенсацияга йўл қўймасликка имкон берадиган асосий онкологик жараённи нур терапияси ва дори терапиясини ўз вақтида қўллашни ўз ичига оладиган, адекват аралашувларни танлаш тактикасини ишлаб чиқиш тиббий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда умуртқа поғонаси ўсмаларини эрта ташхислаш, хатарли омилларини аниқлаш, асоратларини камайтириш, самарали даволаш тартибини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жарроҳлик даволаш натижаларининг самарадорлиги этарли эмаслиги сабабли, Орқа мия ўсмаларни даволашнинг жарроҳлик усулларини оптималлаштириш муҳим ҳисобланади. Бу мунозараларни давом эттириш ва умуртқа поғонасининг ўсмалари билан оғриган беморларни илмий асосланган даволаш тизимини ишлаб чиқиш зарурлигига олиб келади, бу жуда долзарб ва истиқболли. Ушбу муаммони ҳал қилиш онкологик, ортопедик ва нейрохирургик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, орқа мия ўсмаларининг яхлит кўринишига асосланиши керак, ҳамда асоратларни олдини олиш чораларини белгилаш кабилар ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни чуқур ташкил этиш, республика соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий

---

<sup>1</sup> WHO. World health statistics, 2020; WHO.Hearts: technical package for nerve system disease management in primary health care, 2020

стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш..»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Бу вазифалар ихтисослаштирилган нейрохирургик ёрдам ва неврологик касалликлар диагностикаси даражасини замонавий жаҳон даражасига кўтариш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ – 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ-4190-сон «2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг рухий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Ушбу диссертация тадқиқоти V “Тиббиёт ва фармакология” Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналиш талабларига мувофиқ амалга оширилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Орқа мия ўсмаларини морфологик, мураккаб шакллари баҳолашга қаратилган тадқиқот ишлари, шунингдек уларнинг диагностика оптималлаштириш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Mayo Clinic, Johns Hopkins Hospital, Stanford Hospitals and Clinics, University of Texas MD Anderson Cancer Center, Cedars-Sinai Medical Center (АҚШ); Chris Hani Baragwanath Hospitals (ЖАР); Das Klinikum der Universitat Munchen (Германия); Inha University Hospital, Seoul National University Hospital (Жанубий Корея), Lund University (Швеция);

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мажмуи чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи: [www.unab.cl](http://www.unab.cl); [www.berkeley.edu](http://www.berkeley.edu); [www.neurology.ru](http://www.neurology.ru); [massent.com](http://massent.com); [www.kangwon.ac.kr/](http://www.kangwon.ac.kr/); [www.cau.ac.kr](http://www.cau.ac.kr); [www.bsmu.by](http://www.bsmu.by); [www.uniroma1.it](http://www.uniroma1.it); [www.yonsei.ac.kr](http://www.yonsei.ac.kr); [www.snu.ac.kr](http://www.snu.ac.kr); [www.github.com/](http://www.github.com/); [www.bsmu.by](http://www.bsmu.by); [www.narmed-u.ac.jp](http://www.narmed-u.ac.jp); [info@akdeniz.edu.tr](mailto:info@akdeniz.edu.tr) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

University of Cambridge, University of Oxford (Буюк Британия); University of Western Australia (Австралия); University of Hadassah – Hebrew (Исроил); University of Emory; University of Chicago, University of Alabama at Birmingham (АҚШ); Barrow Neurological Institute (АҚШ); University of Nagoya ва Shin-Yurigaoka hospital (Япония), Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Н.Н. Бурденко номидаги Нейрохирургия илмий-тадқиқот институти; Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Орқа мия ўсмаларини ўзига хослиги, нейровизуализацион ва инструментал ташхисоти ва даволаш буйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: (Institut Chiari & Syringomyelia (Испания); Clinical Imaging Sciences (Буюк Британия); Поленов номидаги нейрохирургия институти (Россия)). Орқа мия ўсмаларини инструментал диагностикаси билан бир қаторда, орқа мия тузилмаларининг функционал ҳолатини аниқлашда инструментал тадқиқотларини аниқлаш муҳим урин эгаллаши исботланган (Жонс Хопкинс касалхонаси (АҚШ); Disease Neuroimaging Initiative (Япония)). Операциядан олдинги диагностика ва жарроҳлик даволаш учун кўрсатмалар мезонларини танлаш масалалари илмий мақолаларида келтирилган (Санкт-Петербург Тиббиёт Академияси (Россия), (University Medical Center Gottingen (Германия); Oxford Institute of Neuroscience (Буюк Британия)). Орқа мия ўсмаларида утказувчанлигининг бузилиши юзага келганда неврологик нуқсонни тиклашда ўз вақтида жарроҳлик ёрдамидининг самарадорлиги баҳоланган (Республика неврология ва нейрохирургия илмий-амалий маркази (Беларус); Ганновердаги Халқаро неврология ва нейрохирургия институти (Германия); Бурденко номидаги миллий тиббий тадқиқотлар нейрохирургия маркази (Россия); Поленов номидаги Россия нейрохирургия илмий-тадқиқот институти (Россия); Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)).

Дунёда асаб тизимининг ўсмалар ташхислаш ва даволашга қаратилган қатор, жумладан, қуйидаги устувор йуналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: орқа мия ўсмаларини янги неврологик ва нейрофизиологик хусусиятларини ҳамда прогностик мезонларини ишлаб чиқиш, ушбу касалликларнинг патогенетик ва диагностик муаммоларига бағишланган тадқиқот ишлари, нейровизуал диагностика усулларини такомиллаштириш, орқа мия ўсмалари учун янги жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир. Орқа мия ўсмаларида ликвородинамик бузилишларни нейровизуализацион ўрганиш; шунингдек, ҳар бир бемор учун индивидуал ёндашув билан даволашнинг юқори технологияли усулларида фойдаланган

холда жарроҳлик ёндашувини такомиллаштириш каби устувор йўналишлар шулар жумласидан.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларга кўра, орқа мия ўсмалари (ОМЎ) марказий асаб тизимининг (МАТ) барча касалликларининг 2-3% ни ташкил қилган (Арсени К., Симонеску М., 2001; Алиев М. Д. ва бошқалар., 2018; Мушкин А. Ю., Малченко О. В., 2020; Лоуис, Д. Н., 2020); мия ўсма жараёнларини 15%и. ОМЎ орасида бирламчи зарар марказий асаб тизимининг органик касалликлари орасида 1,98 дан 3% гача учраган, улардан экстремедулляр ўсмалар устунлик қилиб, 50-60% гача қисмини ташкил қилишлиги аниқланган. Сўнгги йигирма йилликда ўсма ва ўсимтага ўхшаш касалликларнинг барқарор ўсиши кузатилиши ишлаб чиқилган (Қариев М.Х., 1982; Мамадалиев А.М., Алиев М.А. 2022).

Кўпгина ишлар орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммосига бағишланган бўлишига карамай, вендро-латерал ёки вентрал жойлашган ўсмалар кўпинча беморларда ўчоқли неврологик белгиларни чуқурлашиши билан олиб ташланган (Дулаев ва бошқ., 2000; Арнаутович К.И. ва бошқ., 2000; Слынько Е. И., Ал-Кашкиш И.И., 2003). Орқа миянинг экстрадурал ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари ўсимтанинг гистологик тузилишига боғлиқ бўлиб, улар гистологик ва анатомик хилма-хиллиги билан интрадурал ўсмалардан фарқ қилган, кўпинча катта ўлчамларда, асосан хавфли ўсма шаклида ва умуртқа поғонасида аниқ ривожланган структур ўзгаришлар билан характерланган (Зозуля Ю. А. ва бошқалар, 2018; Yucesoy K. ва бошқалар, 2019).

Орқа мия ўсмаларини, шу жумладан хавфли ва метастатик ўсмаларини муайян шароитларда жарроҳлигига замонавий мультимодал ёндашув ўсимтани тўлиқ олиб ташлашни, кейин эса нур ва кимё терапиясини, ҳамда умуртқа поғонасини мустахкам ушлаб туриш қобилятини тўлиқ реконструкция қилишни назарда тутати. Алло- ёки автографт ёрдамида умуртқа поғонасининг олиб ташланган суяк тузилмаларини тиклаш, шунингдек, титаниум никелид материаллари, турли кейджлардан фойдаланган холда умуртқа поғонасини замонавий тузилмалар билан кўшимча барқарорлаштириш, паллиатив аралашув бўлиб, умуртқа поғонасининг сиқилишини бартараф этиш ва умуртқа поғонасини қўллаб-қувватлаш қобилятини тиклаш, ва уларнинг самарали умрини узайтириш орқали беморларда ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилаган. (Пташников Д.А. ва бошқалар, 2018; Хмелевский Е.В. ва бошқалар, 2006; Ильин А.А. ва бошқалар, 2009; Caudell J. J. et al., 2019; 102. Guarnieri, G. et al., 2019; Tomita K. et al., 2001).

Орқа мия жарроҳлиги ва анестезиологиянинг прогрессив ривожланиши орқа мия канали соҳасига турли хил ёндашувларни қўллаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирилган. Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг нейроортопедик тушунчалари ушбу муаммони янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилган. Бу ҳолат ушбу тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари исботланган.

Дунёда орқа мия ўсмалари билан оғриган беморларни босқичма-босқич даволашга илмий асосланган ёндашувни такомиллаштириш долзарб ва истиқболли вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал қилиш кўп қиррали ёндашувга, жумладан, онкологик, нейрохирургик ва ортопедик жиҳатларга асосланган бўлиши керак. Беморларни комплекс даволашнинг жарроҳлик босқичи самарадорлигини оширишга қаратилган асосий вазифа, бир томондан, йўқолган неврологик фаолиятларни тиклашга ёрдам берадиган жарроҳлик усулларини такомиллаштириш, иккинчидан, асосий онкологик касалликнинг кучайишига йўл қўймаслик, ҳамда ўсимтани мавжуд бўлган барча имкониятларни қўллаган ҳолда ўз вақтида даволашдир, ва орқа мия ўсмалари учун янги жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди. Диссертация ПЗ-20170927463 “Вертебротомография усмаларини даволаш ва ташхис қўйишнинг замонавий усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш”, ПЗ-20170927463 “Умуртка поғонасининг куплаб жароҳатланишидаги куп этиологияли огрик синдромларини ташхисот ва даволанишнинг янги комплексини ишлаб чиқиш”, АТСС 8.3.(2009-2011) “Ўсмалар ва умуртка поғонаси стенозларида декомпрессив ва декомпрессив-стабилаштириш амалиётлари” давлат кулланиладиган грантлари асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** орқа мия ўсмалари билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини ташхислаш усуллари, даволаш тактикаси ва жарроҳлик даволаш техникасини оптималлаштириш орқали яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

умуртка поғонаси ва орқа мия ўсмаларини визуализация қилишнинг замонавий ташхислаш мажмуасини аниқлаш;

ўз материалимизни ўрганиш асосида орқа мия ўсмаларини жарроҳлик даволашнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш;

замонавий жарроҳлик технологияси имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўсмаларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг адекват ёндашувларини аниқлаш ва жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш;

ўсмаларни олиб ташлашнинг ишлаб чиқилган усулларида фойдаланган ҳолда орқа мия ўсмалари билан оғриган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини самарадолигини аниқлаш;

орқа мия ўсмалари бўлган беморларнинг операциядан кейинги салбий натижаларнинг асосий сабабларини аниқлаш;

ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш асосида операциядан кейинги эрта ва кечки даврда орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича амалий тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида 2014-2021 йиллари орқа мия ўсмалари бўлган 280 бемор танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** жарроҳлик даволашдан олдин ва кейин орқа мия ўсмалари бўлган беморларнинг неврологик ва клиник-радиологик ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, неврологик (оғриқ шкаласи ва неврологик бузилиш шкаласи), нур ташхиси (рентген, магнит-резонанс ва компьютер томографияси) ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

"Узун ўтказувчан йўлларнинг эксцентрик жойлашуви қонуни" экстра- ва интрамедуллар ўсмалар клиник номоён бўлишида ҳал қилувчи объектив прогностик мезон эканлиги исботланган;

Орқа мия ўсмалари даволаш тактикасини оптималлаштириш учун ташхислашни этапли қўлланилиши жарроҳлик даволашда самарадорлиги тасдиқланган;

Орқа миyaning экстрамедуляр ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган тактикаси иқтисодий самарадорлиги асосланган (ўсмани қисмларга бўлиб, субкапсуляр равишда, биполяр термал буғланиш ёрдамида олиб ташлаш, IAP №04712 24.05.23);

Илк бор, сирингомиелитик киста билан биргаликда учраган орқа миyaning интрамедуллар ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволаш (сиринго-субарахноид шунтлаш) тактикаси асосланган;

Орқа мия ўсмаларида кичик бўлақлар орқали олиб ташлаш ва атравматик ёндашувга асосланган дифференциал даволаш тактикасининг қўлланилиши беморларда неврологик дефицитни қисқа муддатда тикланиш афзаллиги билан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаларининг** қуйидагилардан иборат:

орқа мия ўсмаларининг клиник ва неврологик кечиш хусусиятларини ўсимтанинг ўлчамига, жойлашган жойига ва клиник кечишига қараб таснифлаш тавсия этилган;

орқа мия ўсмаларини олиб ташлашнинг асосий тамойиллари ўсимта паренхимасининг босқичма-босқич интракапсуляр нозик бўлақларга бўлиб олиб ташланиши, сўнгра ўсимта капсуласини ажратиш ва олиб ташлаш, ва бу орқали орқа мия майда қон томирлари, ва орқа мия илдизларини сақлаб қолиш имконини аниқланган;

таклиф этилган усул операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келди ва қониқарсиз натижалар фоизини камайтиришини аниқланган;

интрамедуллар киста билан биргаликда учрайдиган интрамедуллар ўсмаларни олиб ташлашнинг тавсия этилган оригинал усули узоқ муддатли даврда 75,0 фоизида ижобий натижаларга эришилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектив клиник, неврологик, рентгенологик, КТ ва МРТ тадқиқотлари ва уларнинг статистик таҳлиллари маълумотлари билан асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, аниқланган илмий хулосалар ўзига хос назарий аҳамиятга эга бўлган, улар орқа мия ўсмаларининг анатомик жойлашишига қараб, уларнинг клиник кўринишини ўрганиш ва тушунга катта ҳисса қўшган; орқа мия ўсмаларининг илк номоён бўлиш белгилари аниқланган, бу эса орқа мия ўсмаларини эрта аниқлашни сезиларли даражада оширган, дифференциал даволаш алгоритми беморларда хирургик даволаш тактикаси танловига индивидуал ёндашувни топиш имконини беради, ушбу патологияни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашда дифференциал ёндашувни таъминлайдиган назарий мезонлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, орқа мия ўсмалари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда соддалаштирилган алгоритмдан фойдаланиш жарроҳлик даволаш тактикасининг энг мақбул усулини тезда танлаш имконини берган, орқа миянинг экстрамедуляр ўсмаларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлашнинг модернизация қилинган усулини қўллаш ишончли тарзда 55,1% ҳолларда ижобий натижаларга эришишга имкон берган, бу эса операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшиланишига олиб келган, ҳамда қониқарсиз натижалар фоизини камайтирган ва операциядан кейинги эрта даврда интрамедуллар киста билан биргаликда интрамедуллар

Ўсмаларни олиб ташлашнинг оригинал усулидан фойдаланиш, беморларнинг 31,1% да, узоқ муддатли даврда эса 75,0% да жарроҳлик даволаш натижаларининг яхшиланиши билан изоҳланади.

### **Тадқиқотнинг амалий натижаларининг жорий қилиниши**

Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август 4-сон хулосасига кура: *Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти:* "Узун ўтказувчан йўлларнинг эксцентрик жойлашуви қонуни" экстра- ва интрамедулляр ўсмалар клиник намоён бўлишида ҳал қилувчи объектив прогностик мезон эканлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритм ва интраоперацион нейрофизиологик критериялар беморларда хирургик даволаш тактикаси танловига индивидуал ёндашув имконини беради. Неврологик етишмовчиликнинг тикланиш муддатларини сезиларли қисқарганлиги, жарроҳ манипуляциялари самарадорлигини оширилганлиги бу ишлаб чиқилган интраоперацион нейромониторинг мезонлари билан изоҳланади. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.11.2023 й. №01-16/525), Фағона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (02.07.2020 й. №01-08/252), Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.10.2023 й. №254), Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.12.2023 й. №149) ва Андижон давлат тиббиёт инситути клиникаси (10.10.2023 й. №206) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* олиб борилган тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиниши орқа мия ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик тактикасини танлаш бўйича объектив қарор қабул қилишга ёрдам берди, бу эса беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, амбулатор ва стационар шароитда даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш:* таклиф этилган алгоритм ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш орқа мия ўсмалари бўлган беморларни даволаш сифатини яхшилади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* куйидагилардан иборат: орқа мия ўсмалари билан оғриган беморларнинг шифохонада қолиш муддатини 1) ётоқ кунларини ўртача 20-25 кундан 5-10 кунгача қисқартириш орқали беморнинг касалхонада қолишини камайтириш шифохона хизматлари учун тўлов миқдорини тахминан 5 991 минг сўмга камайтиради (998 600 сўм оғир беморлар учун интенсив терапия палатасида бўлган 1 кунлик прејскурант бўйича тўлов нархи); 2) беморни эрта ишга қайтариш операциядан кейинги узоқ муддатли реабилитация ва доридармонларни таъминлаш харажатларини тўлаш учун давлатга харажатни

камайтиради ва мавжуд ногиронлик учун умрбод ижтимоий таъминот зарурлигини истисно қилади.

*Хулоса:* жарроҳлик тактикасининг босқичини режалаштириш билан амалга оширилган операциялар ҳар бир бемор учун 6 241 000 сўм тежашга имкон беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиш: “Орқа мия ўсмаларини клиника, ташхислаш ва жарроҳлик давоси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг мувофиқлаштириш эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август №02н-з/2-сон хулосаси билан тадбиқ этилди.

*Илмий янгиликнинг моҳияти:* Орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг эрта ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш ва орқа мия ўсмаларини даволашда этапли тактикаси ишлаб чиқилди; *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, орқа мия ўсмалари билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашда соддалаштирилган алгоритмдан фойдаланиш жарроҳлик даволаш тактикасининг энг мақбул усулини тезда танлаш имконини берган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.11.2023 й. №01-16/525), Фағона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (02.07.2020 й. №01-08/252), Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.10.2023 й. №254), Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.12.2023 й. №149) ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси (10.10.2023 й. №206) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.* Таклиф этилган усул операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келди ва қониқарсиз натижалар фоизини камайиши аниқланди, бу эса ўз навбатида қисқа вақт ичида беморлар меҳнат қобилиятини тез тикланиши, ижтимоий мослашув ва ногиронликни камайтириш, шунингдек, беморлар ҳаёт давомийлиги ва сифатини ошириш имконини беради. *Хулоса:* Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган алгоритм беморларда хирургик даволаш тактикаси танловига индивидуал ёндашувни топиш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиш: “Орқа мия ўсмаларини клиника, ташхислаш ва жарроҳлик давоси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг мувофиқлаштириш эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август №02н-з/2-сон хулосаси билан тадбиқ этилди;

*Илмий янгиликнинг моҳияти:* Сирингомиелитик киста билан биргаликда учраган орқа миянинг интрамедуллар ўсмаларини жарроҳлик йўли билан

даволаш (сиринго-субарахноидал шунтлаш) тактикаси асосланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* жарроҳлик аралашуви ҳажмини аниқлашда ва жарроҳлик амалиётидан кейинги даврда беморнинг ҳаёт сифатини сақлашда сиринго-субарахноидал шунтлашни қўллаш кераклигидан далолат беради. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.11.2023 й. №01-16/525), Фағона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (02.07.2020 й. №01-08/252), Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.10.2023 й. №254), Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.12.2023 й. №149) ва Андижон давлат тиббиёт инситути клиникаси (10.10.2023 й. №206) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* орқа миянинг интрамедуллар ўсмалари билан оғриган беморларда ўсмани олиб ташлаш ҳажмини белгилаш беморларда операциядан кейинги даврда неврологик бузилишлар ижобий ўзгариш суръатлари, операция босқичларида сиринго-субарахноидал шунтлашни қўлланилиши орқали ижобий натижага эришилади. Орқа миянинг интрамедуллар ўсмалари бўлган беморларнинг 2-гуруҳида сиринго-субарахноидал шунтлашни йўқлиги натижасида асоратлар сонини оширади, бу эса ўз навбатида бемор ҳаёт сифатининг бузилишига олиб келади. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.* Таклиф этилган усул операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келди ва қониқарсиз натижалар фоизини камайиши аниқланди, бу эса ўз навбатида қисқа вақт ичида беморлар меҳнат қобилиятини тез тикланиши, ижтимоий мослашув ва ногиронликнинг камайтириш, шунингдек, беморлар ҳаёт давомийлиги ва сифатини ошириш имконини беради. *Хулоса:* Таклиф этилган усул операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келди ва қониқарсиз натижалар фоизини камайиши аниқланди. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиш:* “Орқа мия ўсмаларини клиника, ташхислаш ва жарроҳлик давоси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг мувофиқлаштириш эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август №02н-з/2-сон хулосаси билан тадбиқ этилди;

*Илмий янгилик моҳияти:* Орқа мия ўсмаларини олиб ташлашнинг асосий тамойиллари ўсимта паренхимасининг босқичма-босқич интракапсуляр нозик бўлақларга бўлиб олиб ташланиши, сўнгра ўсимта капсуласини ажратиш ва олиб ташлаш ва бу орқали орқа мия майда қон томирлари ва орқа мия илдизларини сақлаб қолиш имкони яратилди.

*Илмий янгиликнинг аҳамияти:* Орқа миянинг экстремедуляр ўсмаларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлашнинг модернизация қилинган усулини кўллаш ишончли тарзда 55,1% ҳолларда ижобий натижаларга эришишга имкон берган, бу эса операциядан кейинги даврда жарроҳлик даволаш натижаларини объектив яхшилашга олиб келган ҳамда қониқарсиз натижалар фоизини камайтирган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази (01.11.2023 й. №01-16/525), Фағона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (02.07.2020 й. №01-08/252), Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.10.2023 й. №254), Сирдарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (27.12.2023 й. №149) ва Андижон давлат тиббиёт инситути клиникаси (10.10.2023 й. №206) амалиётга жорий этилган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги* меҳнатга ва жамиятдаги фаол ҳаётга қайтиш, тиббий ёрдамдан қониқиш, ижтимоий даражада - умр кўриш давомийлигининг ошиши, ўлим ва ногиронликнинг камайиши. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги* кўйидагилардан иборат: Орқа мия ўсмалари билан оғриган беморларнинг шифохонада қолиш муддатини 1) ётоқ кунларини ўртача 20-25 кундан 5-10 кунгача қисқартириш орқали беморнинг касалхонада қолишини камайтириш шифохона хизматлари учун тўлов миқдорини тахминан 5 991 минг сўмга камайтиради (998 600 сўм оғир беморлар учун интенсив терапия палатасида бўлган 1 кунлик прејскурант бўйича нархи); 2) беморни эрта ишга қайтариш операциядан кейинги узок муддатли реабилитация ва дори-дармонларни таъминлаш харажатларини тўлаш учун давлатга харажатни камайтиради ва мавжуд ногиронлик учун умрбод ижтимоий таъминот зарурлигини истисно қилади. *Хулоса:* жарроҳлик тактикасининг босқичини режалаштириш билан амалга оширилган операциялар ҳар бир бемор учун 6 241 000й сўм тежашга имкон беради. *Илмий янгиликдан кенгайтирилган холда фойдаланиши:* “Орқа мия ўсмаларини клиника, ташхислаш ва жарроҳлик давоси” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг мувофиқлаштириш эксперт кенгашининг 2023 йил 28 август №02н-з/2-сон хулосаси билан тадбиқ этилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, улардан 2 та халқаро ва 3 та Республика миқёсида конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертатсия мавзуси бўйича жами 24 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар

асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрлар 12 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва кўлами.** Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, иловалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 та бетни ташкил қилади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг муҳимлиги ва долзарблиги асосланади, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилинади, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиқ берилади, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилади.

Диссертациянинг **биринчи бобида** умуртқа поғонаси ва орқа мия ўсмалари муаммосининг тиббий-ижтимоий аҳамияти, этиопатогенетик омиллар, ушбу патологияни жарроҳлик йўли билан даволаш муаммоларининг ҳозирги ҳолати, шу жумладан, жарроҳлик очиқ кириш ва ўсмаларни олиб ташаш усуллари акс эттирилган адабиётлар тахлили баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи **“Тадқиқотнинг клиник материаллари ва тадқиқот усуллари**нинг умумий тавсифи” деб номланган бобида тадқиқот объектининг ўзига хос хусусиятлари, қўйилган вазифаларни ҳал этишни таъминловчи метод ва услубий ёндашувлар келтирилган. Илмий ишда 2014-2021 - йилларда Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказида (РИНИАТМ) орқа мия ўсмалари билан операция қилинган 280 нафар беморнинг даволаш клиник натижалари таҳлил қилинган. Барча беморлар икки гуруҳга бўлинган - назорат ва асосий. Назорат гуруҳига 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда анъанавий тактикалардан фойдаланган ҳолда даволанган 172 (61,4%) беморни даволаш натижалари киритилган. Асосий гуруҳга 2018 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ётиб даволанган орқа мия ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган усулидан фойдаланган ҳолда операция қилинган 108 нафар (38,6%) беморни даволаш натижалари киритилди.

Диссертациянинг **3-бобида** умуртқа поғонаси ўсмаларининг клиник белгилари тасвирланган. Орқа мия ўсмалари одатда касалликнинг прогрессив кечиши билан характерланади. Бу онкологик жараённинг ривожланишининг умумий белгисидир. Бироқ, клиник амалиёт ва бошқа муаллифларнинг

тадқиқотлари шуни кўрсатадики, мураккаб патофизиологик механизмлар туфайли ўмуртка ўсмаларининг бошланиши ва кечишининг турли хил вариантлари мумкин. Маълумки, орқа миянинг экстрамедуллар ўсмалари ўмуртка сиқилиш синдромининг босқичли ривожланиб бориши билан тавсифланади. Касаллик кечишининг 3 босқичи мавжуд: радикуляр, орқа мияни ярмини сиқилиш белгилари босқичи ва орқа мия бутун диаметри бўйлаб қисилиш белгилари босқичи. Бироқ, Орқа мия ўсмалари клиник кўринишининг классик босқичли ривожланиши ҳар доим ҳам кузатилмайди ва компенсация механизмларининг бузилишига олиб келадиган турли омиллар таъсири остида, хусусан орқа мия суюқлиги айланиши бузилиши ва орқа мия қон айланишининг бузилиши натижасида бошқача клиник кўринишда номоён бўлиши мумкин. Ушбу омиллар таъсири остида ўсмаларнинг классик прогрессив кечиши ўзгариши мумкин. Жумладан, орқа мия ва от думи (*cauda equina*) ўсмалари кечишининг қуйидаги асосий турлари фарқланади: - прогрессив кечиши (секин ва тез); - қайталанувчи кечиши. Бундан ташқари, клиник кўринишдаги ўзгаришларга турли хил кон томир ҳавзаларида қон айланишининг бузилишининг пайдо бўлиши катта аҳамиятга эга. Қон томир асоратларининг пайдо бўлиши касалликнинг ривожланиш тезлигини ва неврологик симптомларнинг ривожланиш динамикасини сезиларли даражада ўзгартиради, бу эса орқа мия ўсмалари ташхисини мураккаблаштиради ва касаллик оқибатини ёмонлаштиради.

Интрамедуллар ўсмалар радикуляр оғриқнинг йўқлиги, ҳамда дастлаб сезгининг диссоциацияланган турда бузилиши, кейинчалик эса ўсма ўсиб борган сари сезги ўтказув йўллари эзилиши сабабли сезгининг ўтказувчан типда бузилиши кузатилиши билан ажралиб туради. Ўсма пайдо бўлишининг типик белгиси ўсимта жойлашган ҳудудда умуртка поғонаси бўйлаб тарқалган оғриқдир. Оғриқнинг ўзига хос хусусияти горизонтал ҳолатда ва тунда пайдо бўлиши эди. Худди шундай оғриқ синдроми 70,2% ҳолларда кузатилган. Беморларнинг 10,7 фоизида оғриқ радикуляр характерга эга эди - ўткир ёниш ёки "лумбаго" характеридаги 1-2 ўмуртка илдиэларнинг иннервацияси бўйлаб пастга тарқаладиган оғриқлар кузатилди. Одатда, орқа мия интрамедуллар ўсмаларининг клиник кўриниши чуқур (тактил сезги ва фазовий позиция сезгиси) сезги сақланиб қолган ҳолда, ўсма жойлашган жойига қараб юза сезгининг (оғриқ ва ҳарорат ҳисси) турли бузилишларини ўз ичига олади.

Диссертациянинг **4-бобида** умуртка поғонаси ўсмаларини олиб ташлашнинг турли усуллари ёрдамида ўсмаларни жарроҳлик йўли билан даволаш натижалари таҳлил қилинади. Экстрамедуллар ўсимтани олиб ташлашнинг анъанавий усули ўсимтанинг тўлиқ очиб кириш учун ўсимта

жойлашган жойидан битта юқорида ва пастда жойлашган умурткалар билан биргаликда ламинектомиясини ўтказиш орқали ўсмани очиб киришдир. Ўсимта аниқлангандан сўнг, ўсмани битта бўлакда максимал олиб ташлаш амалга оширилади. Ушбу усулларнинг камчиликларидан кўп миқдода қон кетиши, орқа мия ва унинг илдизларига шикаст етказилиши бўлиб, бу эса орқа миянинг қайтмас шикастланишига олиб келиши мумкин эди. Шу муносабат билан, орқа мия экстремедулляр ўсмаларини олиб ташлашнинг традиционал усуллари (битта блокда, бўлиб бўлиб, катталаштириш остида олиб ташлаш) орқа мия бўйича жарроҳлик аралашувларнинг асосий ва замонавий тамойилларига жавоб бермайди: яъни ўсимтани олиб ташлаш вақтида атрофдаги тузилмалар - орқа мия ва унинг илдизлари; орқа мия қон томирларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, шикастланишини олдини олиш; ўсимат ва орқа мияни траксия қилмаслик талаб қилинади. Орқа миянинг интрамедулляр ўсмаларини олиб ташлашнинг анъанавий усули куйидагича эди: бизнинг тадқиқотимиздаги барча беморлар орқа ўрта чизик томондан очиб кириш усули қўлланилган. Ушбу очиб кириш ўсимта жойлашган сохадан битта юқоридаги ва битта пастдаги умуртка соҳасини ламинектомия қилиш орқали амалга оширилади. Миелотомия орқа мия орқа ўрта чизиғи бўйлаб, ўсимтанинг апикал қутби соҳасида ўткир кесиб кириш орқали амалга оширилди. Орқа миянинг кистаси ёки кенгайган марказий канали мавжуд бўлган ҳолатларда, киста дренажланган, киста бўшлиғига ҳеч нарса киритилмаганлиги сабабли кейинчалик киста бўшлиғида суюқликнинг қайта тўпланишига олиб келиши мумкин. Ўсимтани тўлиқ олиб ташлаш фақат орқа мия билан ўсма аниқ чегаралари мавжуд бўлганда амалга оширилди. Ўсимтани аниқ чегараси бўлмаган ёки ўсимта диффуз ўсган ҳолатларда, микроинструментлар ёрдамида ўсимта капсуласи ичидан субтотал ёки қисман олиб ташланади. Гемостатик материал билан гемостаз таъминланди. Мия мия суюқлиги оқимининг пайдо бўлиши ўсимтанинг қутбларини (юқори ва пастки) олиб ташланганлигини белгиси бўлиб, орқа мия марказий канали соҳасида орқа мия суюқлиги блокининг бартираф қилинганлигини кўрсатади.

Асосий гуруҳда биз ўзимиз ишлаб чиққан дифференциаллашган жарроҳлик тактикаларидан фойдаландик, олиб ташлаш усулини танлашда дифференциал ёндашувни қўлладик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтган орқа мия экстремедулляр ўсмаларини олиб ташлаш усулини ўзгартирдик (ИАП20200425/1). Ушбу усул ўсимтани тортишларсиз, кичик бўлакларга бўлиб, интракапсуляр олиб ташлаш ҳисобига беморларни жарроҳлик даволаш сифатини юқори даражада амалга ошириш имконини берди. Шунингдек, ўсимта устидаги ва остидаги

сирингомиелитик кист билан биргаликда учрайдиган интрамедуллар ўсмаларни олиб ташлашда биз интрамедуллар ўсмаларни олиб ташлашнинг янги усулини таклиф қилдик (патент № ИАП 20200426/1), бу усул жарроҳлик даволаш натижаларини яхшиланишига олиб келди. Таклиф этилган усулнинг мақсади орқа мия суюқлигининг қайта тўпланишини ва ўсимта олиб ташланганидан кейин қолган интрамедуллар бўшлиқнинг кенгайишини бартараф этиш эди. Муаммонинг ечими шундан иборат эдики, интрамедуллар ўсмалари гидросирингомиелитик кисталар билан биргаликда учраганда беморларда жарроҳлик амалиёти вақтида (ламинектомия, мия қаттиқ пардасини очиш, ўсимтанинг қаттиқ қисмига миелотомия орқали очиш) ўсимта олиб ташланганидан сўнг, киста бўшлиғига ва ўсимтани ўрнида хосил бўлган бўшлиққа юмшоқ дренаж трубкаси ўрнатилади. Найчанинг проксимал қисми интрамедуллар (киста бўшлиғи ёки ўсимта ўрни), дистал қисми эса - экстремедуллар, субдурал бўшлиққа ўрнатилади.

Назорат ва асосий гуруҳлардаги даволаш натижалари ушбу илмий ишда диагностик кўрсаткичларнинг диагностик ва прогностик қийматини баҳолаш учун корреляция таҳлили орқали, шунингдек, даволаш натижаларини асосий гуруҳ билан қиёсий таҳлил қилиш орқали баҳоланди. Гуруҳлар ўртасида жинс ва ёш бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар йўқ эди. 280 нафар беморнинг 168 нафари (60,0%) эркеклар ва 112 нафари (40,0%) аёллар. Орқа мия ўсмаси билан оғриган беморларнинг ўртача ёши  $43 \pm 1,6$  йилни ташкил қилди.

Даволаш натижалари беморларни касалхонадан чиқариш вақтида (эрта муддатларда) ва бемор клиникадан чиқарилгандан кейин 12 ойдан кам бўлмаган вақтда (узок муддатли, якуний натижалар) неврологик ўзгаришлар даражасига қараб баҳоланди.

Неврологик ўзгаришларнинг ривожланганлик даражаси 5 баллик ASIA/ISNCSCI шкаласи (Америка орқа мия жароҳатлар ассоциацияси / Орқа мия шикастланишининг неврологик ва функционал таснифи бўйича халқаро стандартлар) бўйича, оғриқ синдроми эса 10 баллик ВАШ шкаласи бўйича баҳоланди. Бизнинг кузатувимиздаги барча беморлар 5 турга бўлинган: А тури - орқа миyaning тўлиқ анатомик ёки функционал узилиши; В тури - шикастланишдан дистал бўлган сохаларда ҳаракат ва сезги функцияларининг йўқлиги, сакрал сегментларда сезувчанликнинг сақланиши; С тури - орқа миyaning ҳаракат ва сезги функциясининг қисман сақланиши, аммо асосий мушак гуруҳларининг ярмида мушак кучи 3 баллдан кам; D тури - орқа миyaning ҳаракат ва сезги функциясининг қисман сақланиши, кўпчилик мушак гуруҳларининг кучи 3 баллдан ортиқ; Е тури – орқа миyaning ўтказувчанлик функцияси сақланиб қолади.

*Экстремедуллар ўсмаларни жарроҳлик даволаш натижалари таҳлили.*

Бизнинг амалиётимизда патологик жараённи олиб ташлаш учун турли усуллар қўлланилди, жумладан, экстремедуллар ўсимталарни катта бўлақларга бўлиб олиб ташлаш, ўсимтани битта блокда олиб ташлаш. Ушбу усулларнинг камчилиги кўп миқдорда қон кетиши, орқа мия ва унинг илдизларига шикаст етказилиши эди, бу эса орқа миянинг қайтмас шикастланишига олиб келар эди. Шу муносабат билан, экстремедуллар орқа мия ўсмаларини олиб ташлашнинг илгари қўлланилган традицион усуллари замонавий орқа мия жарроҳлик муолажаларининг асосий тамойилларига жавоб бермайди: ўсимтани олиб ташлаш давомида атрофдаги тузилмалар - орқа мия, унинг илдизлари, орқа мия қон томирлари учун атравматик бўлиши, ҳамда орқа мия траксия қилинмаслиги лозим, акс холда беморларга қўшимча зарар етказилиши ва жарроҳлик даво самарадорлигини пасайишига олиб келади. Биз орқа мия ўсимталарини олиб ташлаш учун очиб кириш ва ўсимтани олиб ташлаш усулини танлашда табақалаштирилган ёндашувни қўлладик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтган Экстремедуллар орва мия ўсимталарини олиб ташлаш усулини такомиллаштирдик (IAP 07412). Ушбу усул интракапсуляр, ўсмани кичик кичик бўлақларга бўлган холда, орқа мияни траксия қилмаган (тортмаган) холда ўсмаларни олиб ташлаш, шунинг ҳисобига беморларни жарроҳлик амалиётини сифат жиҳатидан юқори даражада амалга ошириш имконини беради. Бизнинг материалimizда 74 (33,6%) ҳолатда биз асосий гуруҳга киритилган беморларда экстремедуллар ўсмаларни жарроҳлик йўли билан олиб ташлашнинг такомиллаштирилган усулидан қўлланилган бўлса, назорат гуруҳидаги 146 та беморда (66,4%) ўсмаларни олиб ташлашни анъанавий усулидан фойдаландик.

Такомиллаштирилган жарроҳлик техникаси ўсимтани майда бўлақларга бўлган холда олиб ташлашдан иборат бўлиб, бу орқа мия томирларининг шикастланишини олдини олади ва операциядан кейинги орқа мия ишемия ҳолатининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Ўсимтани капсуласи ичидан олиб ташлаш билан унинг ҳажмининг аста-секин камайтириб, сўнгра ўсманинг қолган кичик қисмларини орқа мия, унинг илдизлари ва қон томирларидан атравматик тарзда (жароҳатламаган ҳолатда) ажратиш имкониятига эга бўлинади. Орқа миянинг экстремедуллар интрадурал ўсмаларини олиб ташлашнинг бу усули ўсимтани иложи борича камроқ зара етказган ҳолатда олиб ташлаш имконини берди. Олиб ташлангандан сўнг мия каттик пардаси нуқсонини пластика қилинади. Операциядан кейинги эрта даврда асосий ва назорат гуруҳларидаги беморларни жарроҳлик даволаш натижалари таҳли қилиш шуни кўрсатадики, орқа мия экстремедуллар

Ўсмаларини олиб ташлаш усулига дифференциал ёндашув, ҳамда ушбу ўсмаларни олиб ташлаш учун биз такомиллаштирган усулни қўлланилиши беморларда эрта босқичларда назорат гуруҳига қараганда кўпроқ ижобий натижаларга эришишга имкон берди. Беморларда операциядан олдин ва кейинги неврологик кўринишининг динамикаси қуйидаги жадвалларда кўрсатилган.

1- жадвал

Орқа мия экстремедулляр ўсмалари бўлган беморларни жаррохлик амалиётидан аввалги неврологик ҳолати (ASIA/ ISNCSCI шкаласи бўйича)

Гуруҳлар ASIA/ ISNCSCI шкаласи бўйича, беморлар ётқизилган вақтда	Жараён локализацияси					Назо рат	Асос ий	$\chi^2$ p
	Бўйи н	Кўкра к	Бел	От думи илдизл ари	Жами			
А гуруҳи (n=28)	7	14	5	2	<b>28</b>	18	10	$\chi^2 = 0,05$ p>0,05
В гуруҳи (n=65)	18	39	5	3	<b>65</b>	38	27	$\chi^2 = 1,37$ p>0,05
С гуруҳи (n=69)	11	42	13	3	<b>69</b>	44	25	$\chi^2 = 0,15$ p>0,05
Д гуруҳи (n=50)	12	31	5	2	<b>50</b>	41	9	$\chi^2 = 4,68$ p<0,05
Е гуруҳи (n=8)	1	1	3	3	<b>8</b>	5	3	$\chi^2 = 0,05$ p>0,05
Жами	49	127	31	13	<b>220</b>	146	74	

Жадвалда кўрсатилгандек, энг кўп беморлар В ва С -134 (60,9%) гуруҳларига тегишлидир, энг оғир А гуруҳида эса - 28 (12,7%) бемор кузатилган.

2- жадвал

Орқа мия экстремедулляр ўсмалари бўлган беморларни жаррохлик амалиётидан кейинги неврологик ҳолати динамикаси (ASIA/ ISNCSCI шкаласи бўйича)

Гуруҳлар	Жараён локализацияси	Назо	Асос	$\chi^2$ p
----------	----------------------	------	------	------------

ASIA/ ISNCSCI шкаласи бўйича	Бўйи н	Кўкра к	Бел	От думи илдизл ари	Жами	рат	ий	
А гурухи (n=27)	6	14	5	2	<b>27</b>	22	5	$\chi^2 = 0,001$ $p > 0,05$
В гурухи (n=61)	19	35	4	3	<b>61</b>	40	21	$\chi^2 = 6,02$ $p < 0,05$
С гурухи (n=68)	11	43	11	3	<b>68</b>	44	24	$\chi^2 = 1,83$ $p > 0,05$
Д гурухи (n=52)	12	33	5	2	<b>52</b>	33	19	$\chi^2 = 0,16$ $p > 0,05$
Е гурухи (n=12)	1	2	6	3	<b>12</b>	7	5	$\chi^2 = 0,32$ $p > 0,05$
Жами	49	127	31	13	<b>220</b>	146	74	

Ушбу жадвалда умуртка поғонасининг экстремедуллар ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг тавсия этилган усулининг афзаллиги аниқ кўрсатилган (IAP 07412).

Шундай қилиб, анъанавий даволаш усулидан фойдаланганда, назорат гуруҳидаги неврологик ҳолатнинг динамикаси қуйидагича тақсимланди; 6 (4,1%) беморда неврологик ҳолати чуқурлашиши қайд этилди, бу ерда энг оғир А ва В гуруҳларида ўсиш қайд этилди ва аксинча, энгилроқ D ва E гуруҳларида беморлар 10 тага (6,8%) камайган.

Такомиллаштирилган усул қўлланилган назорат гуруҳидаги беморлар неврологик ҳолатни баҳолашда динамика қуйидагича: энг оғир А ва В гуруҳларида беморлар сони 11 тага (14,9%) камайган, энгилроқ D ва E гуруҳида беморлар сонининг 12 тага (16,2%) кўпайиши кузатилди. Шундай қилиб, тавсия этилган жарроҳлик даволаш усули ишончли тарзда 31,1% ҳолатларда операциядан кейинги эрта даврда (ASIA шкаласи бўйича) неврологик ҳолатнинг яхшиланишига олиб келганлиги аниқланди.

Операциядан кейинги даврда беморлар неврологик ҳолатининг яхшиланиши динамикаси тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳаракат, сезги ва чаноқ аъзолари фаолиятини

